БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 175 (16.865). | 29 июль 1977 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

МАРРА—60 ЦЕНТНЕР

Нишон районидаги Карл Маркс номли совхоз деҳқонлари ғўзаларни ҳозир бешинчи ишловдан ва учинчи сувдан чиқардилар. Барча майдонларда мўл ҳосил тўпланяпти. 1700 гектар майдондан она-Ватанга 7 минг тонна пахта топшириш бўйича олинган мажбуриятга замин яратилмоқда.

Хўжаликда ҳар бир литр сув учун беш киши ажратилган. Сувчилар смена билан ишлашяпти. Кўпроқ тунги суғоришга ва эгат оралатиб об-ҳаёт тарашга катта эътибор берилмоқда. Ҳар бир сувчи пландаги 1 гектар ўрнига 1,5-1,6 гектар майдонга об-ҳаёт тараяпти. Бу ишда 250 сувчи актив қатнашмоқда. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ҳусан Хидиров, Тўлан Ражабов, Мейли Жўраев каби илғор сувчилар бир неча марта пул ва қимматли саноат моллари билан тақдирландилар.

Экинларни ўғитлаш, суғориш ва культивация қилиш ишлари агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда бажарилмоқда. 35 та культивация трактори бир меъёрда ишлаб турибди. Механизаторлардан Назар Туробов, Эргаш Дўстов, Жуманазар Баҳромовлар кунлик топшириқни 1,5—2 киссадан ошириб бажаришяпти. Махкам Ҳазратқулова, Қўшша Бозоров, Махмуд Аҳмедов бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 50—60 центнердан ҳосил кўтариш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

28 июль куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми бўлди. Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг КПСС XXV съезди карорлари асосида партияга қабул қилиш ва ёш коммунистларни тарбиялаш ишини янада яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама килди.

Ана шу масалани муҳокама қилишда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. КАМОЛОВ, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. ХУЖАЕВ, Намангандаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газламалар комбинати партия комитетининг секретари К. З. ДАВЛИЧАРОВА, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. РАҲИМОВ, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. ХАЙДУРОВ, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХУЖАЕВ, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. F. ҒОЙИБОВ, Термиз район партия комитетининг биринчи секретари Ж. ЧОРИЕВ, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. ОКУНСКИЙ, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз партия комитетининг секретари Р. МОМОНОВ, Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. ШЕРБУТАЕВ, Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. П. ШЕНДРИК, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. ҒАФУРЖОНОВ, Ленин номидаги Узбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчиси М. ЁДГОРОВ, Қўқон пайпоқ-йигирув комбинати партия комитетининг секретари А. Ф. ЕПИФАНОВА, Навоий номли Самарқанд Давлат университети партия комитетининг секретари Н. ШУКУРОВ қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари В. И. БРОВИКОВ нутқ сўзлади. Пленумда ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ишида шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, йирик корхоналар, қурилишлар, транспорт, алоқа корхоналари, бир қанча колхоз ва совхозлар, ўқув юртлари, фан ва маданият муассасалари партия ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Буюк рус революцион демократи, мутафаккири, олими, ёзувчиси ва адабий танқидчиси, Ватан маданиятининг атоқли арбоби Н. Г. Чернишевский туғилган кунга 150 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1978 йилнинг июлида Тошкент шаҳрида ана шу санага бағишлаб юбилей тантанали кечасини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш учун ташкилот комитети тузилди.

Республика газета ва журналларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига Н. Г. Чернишевский туғилган куннинг 150 йиллигига тайёргарликнинг боришини ва уни ўтказишни кенг ёритиш топширилди.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ БИРИНЧИ ПОЕЗДИ

28 июль куни Тошкент метроси линиясининг Собир Раҳимов номли станцияси билан «Чилонзор» станцияси ўртасидаги тайёр участкасидан синов пассажир поезди биринчи бор ўтди. Ер ости электр поезди узунлиги 2105 метрга борадиган перегондан юриб ўтди.

Ҳозир синовга тайёрланган участка—эталон участка ҳисобланади, яъни метрополитеннинг бутун эксплуатация хўжалиги шу ерда ишлатиб кўрилади. Қурувчилар мана шу «полигон»даги иш натижаларига қараб биринчи навбатнинг кейинги перегон ва станциялари сифатини таққослайдилар. Метрополитеннинг биринчи навбати метрокурувчиларнинг социалистик мажбуриятларига биноан Октябрнинг 60 йиллигигача ишга тушиши керак.

...Машинист Леонид Бутивченко ва унинг ёрдамчиси Ҳусан Шукуров поездни деподан Собир Раҳимов номли станцияга келтирадилар. Поезд жўнашига сигнал берилди. Учта зангори вагон оҳиста жилиб йўлга тушди.

Бир неча дақиқа ўтгач, поезд «Чилонзор» станцияси ёнига келиб тўхтайди. Синов рейси муваффақиятли ўтди. «Ташметрострой»нинг биринчи бошқармаси билан Москва ва Тошкентнинг эталон участкадаги ишларни бажарган пудратчи ташкилотларининг қурувчилари астойдил меҳнат қилишди.

А. КУЗМИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Фарғона областидаги саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, маҳсулотни реализация қилиш етти ойлик давлат планини муддатидан аввал, 27 июль куни бажардилар. Ой охиригача қўшимча равишда 20 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Туркманистондан келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Хазорасп районидаги хўжаликларнинг далаларини кўздан кечиргач, мамнун бўлдилар: бу ерда пахтазорлардаги ғўза барқ уриб ўсмоқда. Ҳар туп экинда кўплаб ҳосил тўпланмоқдаки, бу юбилей йилида район деҳқонлари олган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди.

«Октябрь», Ленин номли, Жданов номли колхозларнинг далаларида тракторларнинг овози бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Бу ерда механизаторлар экинларни сифатли парвариш қилмоқдалар. Сувчилар эгатларнинг бошида кеча-кундуз навбатчилик қилиб, экинлар об-ҳаётдан бир текис баҳра олишини таъминламоқдалар. Туркманистонлик меҳмонлар ана шу хўжаликларда ишнинг ташкил этилишига юксак баҳо бердилар. Уларни Ленин номли колхоздан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор А. Қутуймуротова бошлиқ бригадада экинларни парвариш қилиш, ҳосил тўплаш тажрибаси алоҳида қизиқтирди. Бу бригада аъзоларининг ўзига хос қоидаси бор: бу ерда техника ёрдами билан бажаришнинг иложи бўлмаган ишларгина қўлда бажарилади. Механизаторлар агрегатлардан самарали фойдаланмоқдалар, улар юбилей йилидаги ҳосилнинг тақдири ҳозир батамом шу кеча-кундуздаги ишга боғлиқ эканлигини тушунадилар. Бригада далаларидаги ҳосилнинг ҳаммасини машинада териб олишга қарор қилинди. Эндиликда деҳқонлар ҳар гектар ердан мўл ҳосил —60 центнердан пахта олишни мўлжаллаб турибдилар.

Текширувчилар Карл Маркс номли колхознинг М. Матназаров бошлиқ бригадасининг далаларида кўпгина қизиқарли нарсаларни кўздан кечирдилар. Бу ерда чигит кенг қаторлаб экилди, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулидан фойдаланилмоқда. Ғўзанинг авжи яхши, ҳар гектар майдонда 130 минг тупдан кўчат қолдирилган. Туркманистонлик деҳқонлар бу бригаданинг тажрибасини ўрганишга қарор қилдилар.

Текшириш чоғида камчиликлар ҳам аниқланди — баъзи хўжаликларда чеканканинг суръати паст, сувчилар сифатсиз ишламоқдалар, айрим участкаларни ўт босиб кетган. Текширувчилар ана шундай камчиликларни тезда тугатиш кераклигини маслаҳат бердилар. Улар Карл Маркс номли ва Фрунзе номли колхозларда маккажўхорини, бедани парвариш қилишни яхшилаш юзасидан конкрет таклиф киритдилар.

Туркманистонлик дўстлар Хоразм областидаги бошқа районлар —Қўшкўпир, Шовот, Боғот районларида ҳам бўлишди. Дўстлар маслаҳати Хоразм деҳқонлари ва чорвадорларига Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришда ёрдам беради.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ— ИШИМИЗГА МАДАД

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ФОЙДАЛИ МУЛОҲАЗАЛАР

ВЕРХНЕВОЛИНСКОЕ, 27 июль. (ЎзТАГ). Қардош Тожикистоннинг Сирдарё областига борган ўзаро текшириш бригадаси Ворошилов райони хўжаликларидаги ишларнинг аҳволини синчиклаб ўрганди. Тожик деҳқонлари Куйбишев номли, К. Маркс номли, Свердлов номли, М. Горький номли колхозларда ғўзанинг ҳолати яхши эканлигини қайд этдилар. Бу хўжаликларда ғўзани чеканка қилиш муваффақиятли тугалланган ва ҳосил тугунчаларининг жадал тўпланиши таъминланган. Чеканка асосан механизмлар ёрдамида ўтказилган. Бу эса ишларнинг суратини тезлаштиришга ва маҳсулот таннархини камайтиришга ёрдам берган.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари ғўза парваришидаги камчиликларни холисона, ўртоқларча кўрсатиб ўтишди. Айрим бригадаларда карталарнинг четларини бегона ўт босиб кетган, ҳосилга катта зарар етказувчи қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш яхши олиб борилмаяпти. Меҳмонлар заҳарли химикатлар сочиш учун ерда ишлатиладиган аппаратлардан кўпроқ фойдаланишни маслаҳат бердилар.

Наманган области. Озарбайжонлик ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Норин районидаги «Октябрь» колхози далаларида бўлиб, ғўзаларнинг барқ уриб ўсаётганидан қувондилар. Қардошлар октябрликларга ўзларининг доно маслаҳатларини бердилар. Суратда: колхознинг илғор механизатори Ҳ. Пўлатов меҳмонларга баравж ғўзаларни кўрсатяпти.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ).

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Қардош Озарбайжондан келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзоларидан Бек группаси Уйчи, Учқўрғон ва Норин районларидаги хўжаликларда ғўзаларнинг ҳолати билан танишди.

Мусобақадош дўстлар Уйчи районидаги «Ленин йўли» колхозининг 60 центнерлик пахта ҳосили етиштириш учун курашаётган Ш. Дадабоева бошлиқ бригадаси далаларини кўздан кечириб, 90 гектар майдондаги ғўзаларнинг ҳаммаси яхши парвариш қилинаётганлигини таъкидладилар. Бу ерда экинлар олтинчи марта культивация қилинган ва учинчи марта суғорилган. Ғўзаларда ҳосил нишоналари кўп. Озарбайжонлик меҳмонлар кам сув сарфлаб ғўзаларни қондириб суғора оладиган мирабларнинг иш усулларини ғоят қизиқиб ўргандилар. Улар Учқўрғон ва Уйчи районларидаги кўпгина хўжаликлар коллективларининг меҳнатига юксак баҳо бердилар.

Ўртоқларча танқидий фикрлар ҳам айтилди. Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Учқўрғон районидаги «Москва» колхозида ғўзалар қисман чанқатиб қўйилгачлигини қайд этдилар. Уйчи районидаги айрим хўжаликларнинг далаларида экинларни зараркунанда босганлиги аниқланди.

Озарбайжонлик деҳқонларнинг вакиллари ўз маслаҳатлари ва мулоҳазалари дарҳол қабул қилиниб, амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. «Республикаларимизнинг мусобақаси шу жиҳатдан қимматлики, — дейди Озарбайжон ССР, Агдаш районидаги «Шервон» колхозининг раиси М. Алиев, — ана шундай ўзаро текшириш туфайли пахтакорларимиз бир-бирларини тажриба ва маҳорат билан бойитмоқдалар».

Соатли район комсомол комитетининг биринчи секретари Р. Зайналов Уйчи районининг меҳнатчилари билан бўлган учрашув вақтида Озарбайжон ва Узбекистон механизаторлари Ставрополь ўлкасидаги ипатоволик деҳқонларнинг иш тажрибасини қабул қилиб пахта йиғим-терими мавсумига актив тайёргарлик кўраётганликларини таъкидлади. Наманганлик пахтакорлар жорий этган пахтачиликда меҳнатни ташкил қилишнинг звено системаси, деди у, қардош республика хўжаликларида жорий этиш учун тавсия қилинади.

Наманган.

ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

САМАРҚАНД («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қардош Озарбайжон республикасининг пахтакорларидан бир группаси Самарқанд областига келишди. Улар дастлабки куни Каттақўрғон Пахтачи, Иштихон, Нарпай районларидаги колхоз ва совхозларда бўлиб, дала ишларининг бориши билан, деҳқонлар ва чорвадорлар орасида оммавий-сиёсий, маданий-маиший соҳаларда қандай ишлар олиб борилаётганлиги билан атрофлича танишдилар.

Юбилей йилида она-Ватанга 66 минг тонна «ок олтин» армуғон этишга аҳд қилган Каттақўрғон район пахтакорлари дала ишларини намунали олиб бормоқдалар. Ҳамма жойда ғўза группа усулида қондириб суғорилмоқда.

Бутун чорвачилик фермаларидан маҳаллий ўғит ташиш учун алоҳида транспорт ишлаб турибди. Мусобақадошлар ҳосилга ҳосил қўшишнинг бундай тадбирини маъқулладилар.

Озарбайжонликлар мусобақадошлар орденли «Пролетарий», Ленин номли, Карл Маркс номли колхозларда ғўзани суғориш, озиқлантириш, культивация қилиш бирга кўшиб олиб борилаётганлигини кўриб ҳурсанд бўлдилар.

Ленин номли колхоз ўтган йили мавсумда ялпи ҳосилнинг 70 процентини машиналарда териб олган эди. Йирик пахтачилик хўжаликларида бу йил камида 80 процент пахтани машинада териш планлаштирилган. Бу — қарийб 10 минг тоннани ташкил этади.

Озарбайжонликлар илғорлар тажрибасини ўрганиш билан бир қаторда нуқсонларни ҳам дўстона таъкидлаб ўтишди. Райондаги «Ленин йўли», Энгельс номли, Охунбобоев номли колхозларда ўт босган ғўзалар борлигини, суғориш графиги бажарилмаётганлигини аниқладилар. Қолоқ ва ўсишдан орқада қолган ғўзаларга қўшимча ишлов бериш кераклигини айтдилар. Ана шундай участкаларда ғўза парваришини ҳосил йиғим-теримигача давом эттириш позимлигини алоҳида таъкидладилар.

Мусобақадошларнинг текшириш якунлари Каттақўрғон район партия комитетининг колхоз раислари, совхоз директорлари, баш мутахассислар қатнашган кенгайтирилган бюро мажлисида муҳокама қилинди. Камчиликларни дарҳол бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Л. ЭРГАШЕВ.

ТАЖРИБАНИ БАҲАМ КЎРИШМОҚДА

БОКУ 27 июль. (Азеринформ — ЎзТАГ). Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари группаларга бўлиниб, Озарбайжоннинг асосий пахтакор зоналарини бориб кўрдилар.

Республиканинг Пушкин районидаги илғор хўжалик — Тельман номли колхознинг пахтазорида амалий, марокли суҳбат бўлди. Мусобақадош дўстлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Мамедов бригадаси даласини кўздан кечириб, ғўзанинг ҳолатидан мамнун бўлишди, экинлар пухта парвариш қилинганлигини қайд этишди. Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз парткомининг секретари Абулазиз Жўраев ўз таассуротларини айтиб берди.

Бригаданинг гектар бошига 45 центнердан пахта олиш тўғрисидаги мажбурияти мутлақо реал мажбуриятдир, — деди у. — Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 8-10 тадан бўлик кўсак бор. Бизнинг фикримизча, бригада бундан ҳам мўлроқ ҳосил олиши мумкин.

Бригада аъзолари дўстларнинг маслаҳатига қулоқ солиб, шу куниёқ пахта даласининг ўзида 50 центнерлик ҳосил олиш учун курашиш тўғрисида янги мажбурият қабул қилдилар.

Пушкин районидаги «Озарбайжон» колхозидан Ғуломхусайн Қораев, Имишли районидаги В. И. Ленин номли колхоздан Галимат Хусайнов бригадаларининг ва шу куни меҳмонлар бориб кўрган бошқа бригадаларнинг аъзолари ҳам янги оширилган мажбуриятлар олдилар.

Районлардаги қишлоқ хўжалик ходимларининг бугун бўлиб ўтган кенгашларида ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари социалистик мусобақадош дўстларига яхши тилаклар ва танқидий мулоҳазалар айтишди. Узбекистон пахтакорларининг вакиллари Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа қизғин тус олганлигини қайд этдилар. Айни вақтда улар ғўза парваришини ташкил этишдаги бир қанча камчиликларни кўрсатишди. Айрим жойларда ғўзани суғориш ва озиқлантириш кечиктириб ўтказилмоқда. Зараркунандаларга қарши кураш ҳам ҳали етарли даражада олиб борилмаяпти. Бир қанча кўшимча ишларни ўтказиш, ғўза қатор ораларини юмшатиш, суғориш суръатларини тезлаштириш зарур. Кенгашларда кўрсатилган камчиликларни тугатиш, ғўза парвариши ишларининг суръатларини кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

САММИЙ УЧРАШУВЛАР

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Ўзбекистоннинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигига бағишланган юбилей экспозицияси жойлашган павильонида карнай ва сурнайлар садоси янгради. Бу карнай ва сурнайларни Пастдарғом районидаги «Ленинизм» колхозининг ҳаваскор артистлари москваликларни ва пойтахт меҳмонларини Самарқанд области вакиллари билан бўладиган учрашувга таклиф қилиш учун чалишди.

Павильонларни зўр қизиқиш билан кўздан кечирган томошабинлар самарқандликларнинг Совет ҳокимияти йиллари мобайнида область меҳнаткашлари ҳаётида рўй берган ўзгаришлар тўғрисидаги, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини экономика ва маданиятни ривожлантиришда ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олаётганликлари тўғрисидаги сухбатларини тингладилар. Самарқандликлар москваликларни ишонтириб айтишдики, барча совет кишилари сингари область меҳнаткашлари КПСС XXV съезди карорларини муваффақиятли амалга оширишни ўзларининг муҳим бурчлари, деб биладилар. Мамлакатимиз халкларининг ленинча дўстлигини бундан кейин ҳам ҳормай-толмай мустаҳкамлайверадилар.

Самарқанд области меҳнаткашларининг ишлаб чиқариш новаторлари, фан ва маданият арбобларидан иборат делегацияси экспозицияни янги экспонатлар билан тўлдирди. Улар орасида заргарлик ва кулолчилик буюмлари бўрки, буларни самарқандлик усталар тайёрлашган, мева ва сабзавотлар эса область боғларида ва полизларида етиштирилган.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Самарқанд области кунлари программасига биноан делегация аъзолари ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Жомбой районидаги «Октябрь» колхозидан сут соғувчи К. Сафарова ва Ургут районидаги «Ленинград» колхози далачилик бригадасининг бошлиғи Ф. Вахобов ўзлари эришган муваффақиятлар тўғрисида биринчи бўлиб сўзлаб бердилар. Пастдарғом районидаги «Ленинизм» колхозининг бошлиғи «Сайқал» ансамбли иштирокчилари павильон меҳмонларини ўзларининг катта программалари билан таништирадилар. Павильон киноэлида Самарқанд тўғрисидаги фильмлар намойиш қилинди.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ

Л. ПЕКАРСКИЙ,
СССР Госплани ҳузуридаги экономика илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими

Совет Иттифоқи ўзи ташкил этилганидан бошлабоқ ижтимоий ишлаб чиқаришни халқ хўжалиқ планлари асосида уюштираётган дунёдаги биринчи давлатдир. Коммунистик партия раҳбарлигида меҳнаткашлар сиёсий ҳокимиятни курашиб қўлга киритганлиги, Совет давлатининг барпо этилганлиги — планлаштиришнинг сиёсий негизидир. Ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик ижтимоий мулклиги — планлаштиришнинг иқтисодий негизидир.

Социалистик мулкчилик СССР иқтисодий системасининг негизи бўлиб, халқ хўжалигини ривожлантиришга ва социал маданий қурилишга онгли, планли раҳбарлик қилиш, социализм шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадини — кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборат мақсадни оғишмай амалга ошириш учун объектив имконият яратиб беради.

Октябрь Ватанининг ютуқлари — хўжалиқнинг социалистик планли системаси тарихда мисли кўрилмаган социал иқтисодий тараққиёт суръатларини таъминлаганлигини яққол исботлаб турибди. 1976 йилда мамлакатнинг миллий даромади революциядан аввалги даражага нисбатан 65 баравар кўпайди. Хозир амалдаги Конституция қабул қилинганидан кейин ўтган вақт мобайнидагина, яъни кейинги 40 йил ичида СССРнинг миллий даромади 18 баравар, саноат маҳсулоти эса 29 баравар ошди. Ижтимоий ишлаб чиқаришни планли ташкил этишнинг афзалликлари Совет Иттифоқининггина эмас, бошқа қардош мамлакатларнинг ҳам тажрибаси билан жуда яққол исботланган. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган капиталистик давлатлар 1951—1975 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқаришини уч баравардан сал кўпроқ оширган бўлса, социализм мамлакатларида эса бу кўрсаткич 11 баравар ошди. Ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатларда ер юзи аҳолисининг 10 процентидан ҳам камроғи яшаётганлигига қарамай, жаҳон саноат маҳсулотининг тахминан 33 проценти ва миллий даромаднинг 25 проценти уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Хўжалик бошқарувининг марказий бўғини бўлган планлаштириш, у амал қиладиган асосий принциплар ССР Иттифоқи янги Асосий Қонунининг лойиҳасида акс эттирилган:

«Экономикага раҳбарлик, — дейилади СССР Конституцияси лойиҳасининг 15-моддасида, — халқ хўжалигини ва социал-маданий қурилишни ривожлантиришнинг давлат планлари асосида, тармоқ ва территориал принципларни ҳисобга олган ҳолда, марказлаштирилган раҳбарликни корхоналарнинг, бирлашмалар ва бошқа ташкилотларнинг хўжалик юритишдаги мустақиллиги ва ташаббускорлиги билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бунда хўжалик ҳисоби, фойда, таннарх актив ишга солинади».

КПССнинг совет жамияти ва давлатидаги раҳбарлик ҳамда етакчилик ролига СССР Конституцияси лойиҳасида берилган кенг характеристика совет жамиятига раҳбарликнинг илмий даражаси тўхтовсиз ошиб бораётганлигининг умумий йўналишини акс эттиради. КПСС XXV съезди экономикани бошқаришни, бутун хўжалик механизмини янада такомиллаштиришга қаратилган талбирлар комплекс программасини белгилаб берди. Хўш, съезд томонидан планлаштириш олдига қўйилган вазифалар нималардан иборат? Бу — куч ва ресурсларни энг муҳим умумдавлат программаларини бажариш учун жамлаш, тармоқ ва территориал ривожланишни перспектив ва жорий проблемаларни моҳирлик билан қўшиб олиб бориш экономиканинг балансланишини таъминлашдан иборатдир. Ана шу вазифалар планли бошқаришнинг мустаҳкам ленинча принциплари негизида амалга оширилмоқда.

Централизм билан демократизмни бир-бири билан диалектик боғлаш тўғрисидаги қоида социалистик экономикани ташкил этиш қақидаги ленинча таълимотнинг ўзагидир.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, социалистик жамият нақадар етук бўла борган сари, бу жамият коммунизм сари нақадар олға ҳаракат қила борган сари меҳнаткашларнинг ижтимоий ишларни ҳал этишдаги активлиги шу қадар юқори бўлади, демократик централизмнинг ленинча принципи тўлароқ амалга оширилади. Коммунистик қурилишнинг бу қонунияти СССР Конституцияси лойиҳасида аниқ ифодасини топган. Лойиҳада социалистик демократияни янада авж олдириш совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир, деб таъкидланган. Янги Конституциянинг амалга оширилиши, деб уқтирилди КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумида, бизнинг бутун давлат ва хўжалик фаолиятимизни, ҳокимият ва бошқарув органларининг бутун ишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши керак.

Планли раҳбарликда централизм зарур ва қонуниятлидир, чунки у социалистик ижтимоий ишлаб чиқаришга унинг олий мақсадини планли равишда амалга ошира бориб яхлит бир организм сифатида онгли раҳбарлик қилиш имкониятини беради. Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўртага қўйилган мақсадларга имкони борича қисқа муддатларда ва энг кам меҳнат сарфлаб эришиш учун иқтисодий ўсишнинг суръат ва пропорцияларини илмий жиҳатдан оптималлаштиришнинг аҳамияти ошмоқда

Хўжалик вазифаларини марказлаштирилган тарзда ҳал қилишни оптималлаштириш имкониятлари анча кенгайиб бормоқда, чунки КПСС XXV съезди йўл-йўриқларига мувофиқ турли муддатларга мўлжалланган планлар системаси айни бир вақтда ишлаб чиқилмоқда. Булар — СССРни узоқ истиқболни мўлжаллаб шу асрнинг охиригача бўлган муддат ичида иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналиши, беш йиллик ва жорий (йиллик) планлардир. Шундай қилиб КПССнинг социал-иқтисодий сиёсатига амал қилиб яхлит план перспективасининг босқичлари сифатида беш йиллик планларини тузиш имконияти туғилади.

Шундай шароитларда меҳнаткашларнинг цех, завод, бирлашмагагина эмас, тармоққа ҳам, унинг халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш ишидаги имкониятларига тааллуқли бўлган планини қабул қилишда омилкорлик билан иштирок этиши тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шунга мувофиқ халқ хўжалиги планларини уюштириш, ишлаб чиқиш «технологиясининг» ўзи такомиллаштирилмоқда. Корхоналар, маҳаллий, республика органлари, министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини лойиҳасига ҳар қандай қўлам ва аҳамиятдаги таклифларни тайёрлаш, планни тузишнинг ҳамма босқичларида қарорлар қабул қилишда иштирок этиш учун кенг имкониятларга эга.

Коммунистик партия билан Совет давлати миллатларнинг қардошлик иттифоқи ва ўзаро ёрдами ленинча ғояларини оғишмай амалга ошириб, барча иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаларини баравараштиришни таъминладилар. «Бизнинг мамлакатимизда, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумида, — миллатларнинг тенглиги юридик ҳақиқатгина бўлмай, балки амалда ҳам ҳақиқатга айланди. Бизнинг барча республикаларимиз, жумладан илгари иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган республикалар ҳам эндиликда юксак ривожланиш даражасига эришдилар. Айни вақтда ҳар бир республиканинг экономикаси ягона халқ хўжалик комплексининг ажралмас қисмига айланди».

Асосий Қонун лойиҳасида марказий, республика ва маҳаллий давлат органларининг, министрликлар ва идораларнинг ваколатлари аниқланган. Бу — бошқарувнинг ҳамма бўғинларига халқ хўжалигини планлаштиришда актив қатнашиш табиий ва меҳнат ресурсларини хўжалик оборотига самарали тарзда жалб этишга, территориал меҳнат тақсимоти афзалликларидан максимал фойдаланишга кўмаклашиш, республикаларнинг ривожланаётган хўжаликларини мамлакатнинг ягона иқтисодий организми доирасида маҳкамроқ кооперациялаш имконини беради.

Кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ер, сув, минерал ресурслари ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган бир қанча қарорлар ва қонун актлари қабул қилинди.

КПСС XXV съезди қарорларида планлаштиришнинг программа-тармоқ методидан тобора кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилган бундай планлаштириш мазкур план программасининг мақсадларини, уни амалга оширишнинг самарали ва ўзаро боғлиқ йўллари ҳамда воситаларини аниқ равшан белгилаб олишни кўзда тутади. Ҳозир катта комплекс программаларни тузиб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида тажриба тўпланган. Масалан, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, космосни забт этиш, атом энергетикасини, Ғарбий Сибирь ишлаб чиқарувчи кучларини, РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш программалари ва бошқа программаларни ана шундай катта комплекс программалар жумласига киритиш мумкин. 1976—1980 йилларга мўлжалланган планда айрим янги комплекс программалар белгиланган. Бу программаларнинг бир қанчаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Ҳаётимизнинг қонуни — ҳамманинг ҳар бир киши бахт-саодати тўғрисида ва ҳар бир киши ҳамманинг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиши СССР Конституцияси лойиҳасининг кенг кўламда, бутун халқ томонидан муҳокама қилинаётганлигида ёрқин ифодасини топмоқда. Хўжалик қурилиши йўлидаги муваффақиятлар пировард натижада ҳар бир меҳнатчига боғлиқ бўлади. Шу боисдан ишлаб чиқариш коллективлари лойиҳани муҳокама этишни ўзларининг бевосита вазифаларини анализ қилиш билан қўшиб олиб бормоқдалар, умумхалқ меҳнат сафидаги ўз ўрнини тўлароқ ва аниқроқ белгилаб олмоқдалар, резерварни топмоқдалар ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган юксак мажбуриятларни авж олиб кетган социалистик мусобақа асосида шараф билан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. (ТАСС).



Республикамиз пахтакорлари бу йил ҳар қачонгидан кўп нигичка толали «оқ олтин» етиштиришни кўзлаб турибдилар. Далаларда ҳосил мўл. Ҳадемай кенг пайпаллларда терим бошланади. Бу масъулиятли ва мураккаб ишда пахтакорларимизга «зангори кема»лар яқиндан кўмак беради. «Ташсельмаш» заводи машинасозлари юбилей йилида янги хил нигичка толали пахта териш машиналари ишлаб чиқаришга киришдилар. «ХВН-1,2А» маркали бундай машиналарнинг дастлабки 650 таси пахта йиғим-терими давригача конвейердан чиқади. Суратларда: (юқорида) бош конвейердан чиқиб келаётган янги терим машиналари; йиғув цехининг илғор йиғувчи-слесари Эргаш Исаев.

И. Глауберзон фотолари.

МАҲСУЛОТЛАРГА — СИФАТ БЕЛГИЛАРИ

Чирчиқ саноат корхоналарида Сифат белгиси олган маҳсулотлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Яқинда шаҳардаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган техника водородига давлат Сифат белгиси берилди. Кимёгарлар бу енгил газдан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланадилар. Бундан ташқари, маҳсулот Ўзбекистон қишки эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида ҳам кўплаб ишлатилади.

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган яна бир совутиш маҳсулоти — техника музи ҳам истеъмолчиларга қўл келмоқда. Бу ҳам яқинда фахрли Сифат белгиси эмблемаси билан тамғаланди. Корхонанинг янги маҳсулоти гўшт комбинатларига, тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи лабораторияларга кўплаб юбориб турилибди.

Бирлашма корхоналарида Сифат белгисига тақдим қилинадиган маҳсулотларнинг сони кўпаймоқда. Чирчиқ кимёгарлари ўзларининг яна 6 та маҳсулотини Сифат белгиси учун тайёрламоқдалар.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ПОЙТАХТЛАРИНИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

«РОССИЯ» МАВСУМНИ БОШЛАБ БЕРАДИ

«Россия» марказий концерт залида янги мавсум москвалик артистларнинг катта концерти билан очилди.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари бу ерда кўпдан-кўп мароқли учрашувларнинг гувоҳи бўладилар. Кўпчилик концертлар, театрлаштирилган томошалар бўлажак байрамга — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланади. Бу концерт ва томошалар совет санъатининг кейинги йилларда қўлга киритган муваффақиятларини акс эттиради. Иттифоқдош республикалар санъат усталарининг ўтган йил мавсумда бошланган ҳисобот концертлари туркуми давом эттирилади. «Россия»да Литва, Озарбайжон, Украина, Қозоғистон ва Россия Федерациясининг коллективлари ҳамда ижрочилари ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Бу туркум «15 порлоқ юлдуз» деган махсус программа билан тугайди.

Сибирлик ёш артистлар — қўшиқчилар ва созандаларнинг, Украинадан П. Вирский номли машҳур академик рақс ансамбли раққосларининг концертлари, «Қўшиқдан қўшиққа», «77 йил киноси» ва бошқа тематик концертлар зўр қизиқишга сазовор бўлади.

«Россия» залда овоз эшитилишини анча яхшилаш имконини берадиган янги овоз комплекси билан жиҳозланган.

МОСКВА.

СТУДЕНТЛАР МАСКАНИ

Олмаотанинг жануби-ғарбида, Илиорти Олатоғининг хушманзара чўққиларига яқин жойда В. И. Ленин номли Қозоғистон политехника институти инженерлик-қурилиш факультетининг биноси қад кўтарди. Бу ерда пардозлаш ишлари муддатидан илгари бошланди. Қурувчилар янги ўқув йилида машғулотлар бошлашгунга қадар корпусни тайёрлаб беришга аҳд қилдилар. Студентлар шаҳарчасида барпо этилаётган комплексда лабораториялар ва ўқув бинолари, маданий-маиший марказ, ётоқхона, спорт объектлари бор.

С. М. Киров номли Қозоғистон Давлат университети ва Олмаота энергетика институтининг студентлар яшайдиган комплекслари ҳам ана шу районда қурилмоқда. Республика пойтахтининг жануби-ғарби — Қозоғистоннинг энг катта ўқув марказларидан бири бўлиб қолади.

ОЛМАОТА. (ТАСС мухбири).

ЯМ-ЯШИЛ ШАҲАР

Боку нефтчиларининг Степан Разин номли поселкасида маҳаллий Совет депутатлари ва унинг активлари ташаббуси билан барпо этилган боқча Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги номи берилди.

Революция йилида шаҳардаги кўм-кўк дарахтзорлар 10 гектардан ҳам озроқ ерни эгалларди.

Эндиликда Бокуда парклар ва боғларнинг территорияси олти минг гектардан ортиб кетди. Гулзоналар, чиройли дарахтлар, бир неча метр баландликка нўтарилган тоғлар болахоналарда салқин капалар ҳосил этиб, шаҳар кўчалари ва майдончаларини безатиб турибди. Шаҳарда ям-яшил дарахтзорлар майдони ўнинчи беш йилликда яна икки ярим минг гектар кенгаяди.

БОКУ.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмасининг Ригадаги грампластинкалар заводи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига узоқ ўйнайдиган пластинкалар туркумини чиқарди.

Булар орасида гражданлар уруши йилларида латиш қизил ўқчиларининг босиб ўтган жанговар йўли, қаҳрамон латишлар — Ян Фабрициус, Эдуард Берзин тўғрисида ҳикоя қиладиган пластинка бор. Собиқ чекист, 1917 йилдан буён КПСС аъзоси, Горкида В. И. Ленин ёнида соқчилик қилиб турган Карл Дунцнинг эсдаликлари грампластинкага ёзиб олинган.

Латвияда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун яшириН иш кўрган комсомолларнинг кураши тўғрисида, шунингдек «Бузилмас иттифоқ» турнирида тантанали концерт ҳақидаги грампластинка ҳам чиқаришга тайёрланмоқда.

РИГА.

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ашхободда «Билим» жамияти ҳузурида ташкил этилган сайёр лекторий «Мамлакатим тақдиримда» деб аталади. Лекторий программасида Туркманистонда Совет ҳокимияти учун кураш иштирокчиларининг сўзга чиқишлари кўзда тутилган.

Бу лекторий В. И. Ленин номли ойна комбинати коллективи билан ветеранларнинг учрашувидан бошланди. Туркманистон Компартияси I съезДининг делегати П. Д. Ионичев, босмачиларга қарши кураш иштирокчиси Х. Сендхонов, хотин-қизларни озодликка чиқариш ҳаракатининг активи А. Махтумова экономикада, социал ва маданий қурилишда рўй берган буюк зафарлар, тўғрисида сўзлаб бердилар.

Шаҳардаги бошқа корхоналар ва қурилишларда ҳам шундай учрашувлар ўтказилади.

АШХОБОД. (ТАСС мухбирлари).

ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

«Ленин байроғи бизни илҳомлантирмоқда», «Ташкенткабель» заводининг маданият саройида ана шундай мавзуда ёшлар кечаси бўлиб ўтди. Кечада асосан социалистик жамиятда йигит ва қизлар олдида очилаётган жуда катта имкониятлар тўғрисида, СССР Конституциясининг лойиҳаси ҳақида гапирилди. Корхона пропагандистлари, илғорлари ва нотўрлари ёш ишчилар ҳузурида чиқдилар. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари совет ёшларининг бахтиёр ҳаёти ҳақида, капиталистик мамлакатлардаги кўпгина ёшларнинг оғир қисмати тўғрисида ҳикоя қилувчи махсус адабий-музикали программа тайёрладилар.

Бу кеча — завод активлари Советлар мамлакатининг Асосий Қонуни лойиҳасини пропаганда қилиш юзасидан тайёрлаган тадбирларидан биридир. «Ташкенткабель» заводининг бир юз аъзоси агитатори ва пропагандисти ёш ишчилар ҳузурида мунтазам равишда лекция ва суҳбатлар билан чиқмоқда. Жамоатчи лекторлар группасининг яна юз аъзоси кабелчиларнинг истиқомат жойларида катта иш олиб бормоқда.

Маданият саройининг фойесида чиройли қилиб безатилган стендлар ва фото витриналар бор. Бу стенд ва фотовитриналар СССР янги Конституциясининг лойиҳаси қандай муҳокама қилинаётганлиги, ишчи ва хизматчиларнинг таклифлари тўғрисида, мамлакатимиз олтмиш йил мобайнида босиб ўтган шонли йўл ҳақида ҳикоя қилади.

* * *

Тошкент политехника институтининг икки мингга яқин студенти Тошкент шаҳридаги ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги саноат корхоналари агитаторлари, сиёсий ахборотчилари ва пропагандистларининг кўп минг кишилик отрядига қўшилди. Улар завод ва фабрикаларда ишлаб чиқариш билан танишмоқдалар, ишчилар ва хизматчилар ҳузурида лекция ва суҳбатлар билан чиқиб, ижтимоий-сиёсий практика ўтмоқдалар.

Студентларнинг лекция ва суҳбатлари мавзуси ижтимоий фанларнинг ўқитувчилари ўтказган семинарларда олдиндан белгилаб берилди.

СИФАТНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

БАРҚАРОРЛИК САРЧАШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ЛЬВОВЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ КЕНГ ЙИЛМОҚДА

Сифат ва самарадорлик беш йиллиги деб аталган ўнинчи беш йиллик мамлакат бўйлаб ғолибона одим ташлашининг дастлабки кунлариданоқ барча меҳнат аҳли олдига оширилган талабларни қўйди. Самарадорлик ва маҳсулот сифатини оширишнинг қўшимча резервларини қидириб топиш учун миллионлаб ишлаб чиқариш новаторлари, илғорлар ва коммунистик меҳнат зарбдорлари ишга киришдилар. Уларнинг бой тажрибаси социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириб, тобора оммавийлашиб бормоқда, тараққиётимизни жадаллаштирувчи қудратли кучга айланмоқда.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ходимлари сифат ва самарадорлик вазифасини ҳал қилишга амалий ёндашдилар. Улар КПСС XXV съездининг ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулот турлари сифатини кескин яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмалари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Львов области партия ташкилотлари ва илғор саноат корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тажрибаси тўғрисидаги қароридан келиб чиқиб, сифатни бошқаришнинг аниқ ва мақбул системасини яратдилар. Бу, принципиал янги иш бўлиб, ижодий ёндашишни талаб қиларди. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатида мазкур соҳадаги иш Львов области коллективлари тажрибаси асосида ҳар бир корхонанинг шарт-шароити ва технология жараёнлари хусусияти ҳисобга олиниб, ўтган йили стандартлаштириш негизида маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий этиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқишдан бошланди. Тавсияномалар тўплами Сифат ва стандартлаштириш бошқармаси томонидан тайёрланиб, республика Озиқ-овқат саноати министрлиги коллегиясида тасдиқланди. Янгиликни жорий этишда корхоналарнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари актив роль ўйнадилар.

Аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор сарчашмаси бўлган львовликлар тажрибасини жорий этиш Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги коллегияси йиғилишларида мунтазам муҳокама қилиб борилди. Министрлик ҳузурида сифатни бошқаришнинг кенгаши тузилди. Кенгаш ўнта корхонани таянч база сифатида танлаб олиб, уларда комплекс системани 1977 йилда тўла-тўкис жорий этишга, қолган корхоналарда эса бу ишни 1979 йилда тугаллашга қарор қилди. Танлаб олинган ўнта корхона ичида Қўқон нон комбинати, Фарғона пиво заводи, Қўқон, Фарғона, Каттақўрғон ва Андижон ёғ-мой комбинатлари, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси бор.

Львовликлар тажрибасининг қиммати ва аҳамияти ҳозиргидек кўзга яққол ташланмоқда. Масалан, «Ҳурмат Белгиси» орденли Қўқон нон комбинатида олиб борилаётган ишларни кўрайлик. Бу ерда корхонанинг «Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси», «Асосий стандарт», «Олинаётган хом ашёни назорат қилиш», «Технология интизомига риоя этиш назорати системаси», «Меҳнат сифатини баҳолаш», «Сифат куни», «Янги ишчиларни тайёрлаш ва ўргатиш» каби стандартлари ишлаб чиқилиб жорий этилди. Сифатни бошқариш комплекс системасининг қўлланилгани ишлаб чиқарилаётган нон-булка, кондитер ва макарон маҳсулотлари сифатини анча яхшилаш ва барқарор ҳолатда тайёрлаш имконини берди. Натижада ўтган йил охирларида корхонада ишлаб чиқаралаётган «Юбилейное» ва «Сахарное» печеньеларига давлат Сифат белгиси берилди. Қўқонликлар бу йил умумий реализация ҳажмидаги 15 процентга яқин маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан харидорларга жўнатиш мажбуриятини олишган.

Сифатни бошқариш комплекс системасини жорий этишда Фарғона ёғ-мой комбинати ишчилари ва инженер-техник ходимлари ҳам ташаббус кўрсатишмоқда. Корхона коллективи истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, корхона стандартларини жорий этишга ва 1977 йилнинг ўзида беш хил совунни давлат Сифат белгисига тақдим этишга қарор қилган эди. Ҳозир фарғоналиклар сўзларининг устидан чиқиш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар

Сифатни бошқариш комплекс системасининг таркибий қисмларидан бири нуқсонсиз ишлаш системасидир. Гап шундаки, нуқсонсиз ишлаш системасини жорий қилган коллективда ҳар бир ишчининг ўз меҳнати учун масъулияти ошади, ишни баҳолаш анча объективлашади. Маънавий ва моддий рағбатлантириш янада такомиллашиб, мукофот иш сифати коэффициентига қараб белгиланади. Шу тариқа фонддан олинадиган мукофот аъло меҳнати билан коллектив олқишига сазовор бўлган ишчигагина берилади. Бундан ташқари участка раҳбарлари: цех, бўлим, смена ва бригада бошлиқларининг роли кучайтирилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар самараси ахборот ишининг нечоғли яхши йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Мазкур ахборотларда ташкилий, техникавий ва социал тадбирлар бир-бири билан узвий алоқада чуқур таҳлил қилиниши керак. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ходимлари львовликлар тажрибасини қўллаб-қувватларканлар, асосий диққат-эътиборни ана шунга қаратмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, янги методни жорий этишда системани қўллашнинг вақт-соатлари, тайёргарлик ишлари ва асосий босқичлар рўйхати, уларни изчил амалга ошириш пайти, жавобгар шахслар аниқ кўрсатилган графикни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика озиқ-овқат саноати корхоналарида раҳбар ходимларнинг ўқувига катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили махсус илмий-амалий конференция ўтказилиб, анжуман қатнашчилари республикамиз корхоналарида аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг маромлилигини таъминловчи комплекс системани жорий этиш билан таништдилар. Яқинда эса Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги СССР Давлат стандартлари республика бошқармаси, озиқ-овқат саноати ходимлари илмий-техника жамияти республика правленеси билан ҳамкорликда корхоналар раҳбарлари семинарини уюштирди.

Республика озиқ-овқат саноати корхоналари коллективлари олдида партиямизнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисидаги стратегик йўлини амалга оширишдек жиддий ва масъулиятли вазифа турибди. Шунга кўра, ўнинчи беш йилликда давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг салмоғи кескин ошади. Масалан, 1975 йили олий категориядаги маҳсулотларнинг умумий ҳажмдаги салмоғи 5,7 миллион сўмга тенг эди. Бу рақам 1980 йилга бориб 200 миллион сўмликни ёки маҳсулот реализацияси умумий ҳажмининг 20 процентига етиши керак. Ўнинчи беш йилликда 70 хил янги ва сифатли анча яхшиланган маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Беш йил ичида ишлаб чиқариш ҳажми 32-37 процент, меҳнат унумдорлиги эса 20 фойиздан зиёд ошади.

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати корхоналари коллективлари партия XXV съездининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақидаги кўрсатмаларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Бу билан улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ошириб ado этиш ишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

П. ЕВСЕЕВ,
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги Сифат ва стандартлаштириш бошқармаси бошлиғи.

В. МОРОЗОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ АМАЛДА

СУВ ВА ҲОСИЛ

Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли совхознинг Шоназар Ўтанов бошлиқ бригадаси бир йилда ҳосилдорликни гектар бошига 10 центнер кўтаришга, ялпи ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга, август ойида ғўза парваришини қизғин давом эттиришга, ҳар литр сувдан икки-уч литр сувнинг нафини кўришга, умумий ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олишга қарор қилди. — Бу бригадамиз аъзоларининг республика партия ва ҳукумати қарорига амалий иш билан берган жавоби бўлади, — деди у мухбиримиз билан суҳбатда.

Ҳозир пахтачиликда энг долзарб кунлар бошланди. Ҳар бир бригада, бўлим, колхоз ва совхоз пахтакорлари юбилей йилида «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштириш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилганлар. Бизнинг бригадамиз аъзолари ўтган йили гектаридан 40 центнердан пахта хирмони кўтарган эдилар. Бу йил камида 50 центнерлик маррани эгаллашга сўз бердилар.

Ғўзаларимиз барқ уриб ўсяпти, қийғос ҳосил тўпланяпти, ҳар туп ўсимликда 5-6 та бўлиқ кўсак бунёдга келтирдик, гуллар сони кўп, кўсакларга айланяпти.

Бу йил сув танқислигини кўпроқ бошдан кечирдик. Шунга қарамай 200 гектар майдондаги ғўзаларимизни уч марта оби-ҳаётга қондирдик, шу кунларда тўртинчи суғоришни давом эттирмоқдамиз. Бу борада сувчиларимиз билан маслаҳатлашиб олдик. Мен уларнинг сўзларини келтираман.

Абдуғаттоҳ Халилов — Совхозимиз ташкил топган кундан буён сувчилик қиламан. Бригадамиз ерларининг тупроқ тузлилигини яхши биламан. Ғўзалар қийғос ҳосил тўплаётган ҳозирги дамларда бирор туп ўсимликни чанқатиб қўймаслик керак. Чанқаган ғўзалар ҳосил ниҳоналарини тўкиб юборади. Аксинча, бостириб суғорилса ғовлаб кетади. Бу ҳам ҳосил чўғига пўтур етказади. Вазиятни ҳисобга олиб, ғўзаларни кеча-кундуз суғоришимиз, бир литр сувдан камида икки-уч литр сувнинг нафини кўришимиз керак. Қатор ораларида нам нечоғли узоқ сақланса, ғўзалар яхши ўсади, тез ривожланади, ҳосил ниҳоналари кўпайиб, барвақт етилади. Сувчиларимиз бир-бирларининг иши устидан назорат олиб борсинлар.

Баҳром НУРАЛИЕВ — Сувчи — ғўзани яшнатувчи. Ҳосил тақдирини асосан сувчилар ва механизаторлар ҳал қилади. Сув таралган майдонлар етилиши билан дарҳол культивация ўтказилганда нам тўла сақлаб қолинади, бўлмаса ер чатнаб, нам кўтарилиб кетади. Бунга кўп йиллик тажрибада ишонч ҳосил қилдик. Сувчилар билан механизаторлар ишини бир-бирига уйғунлаштиришимиз, бу ишни июль ойининг қолган кунлари, август ойида ҳам қизғин давом эттиришимиз керак. Бу йилги шароитда август ойида ҳам ғўзаларни камида бир ярим-икки марта суғориш талаб этилади.

Раҳматулла АБДУКАРИМОВ — Пахта майдонлари сувчиларга доимий қилиб бириктиб қўйилиб, жуда тўғри иш қилинди. Июль ойининг қолган кунлари, август ойида ҳам шунга амал қилмоғимиз даркор. Ғўзаларни эгат оралатиб суғориш усулини қўллаб, яхши натижага эришяпмиз. Лекин ҳосил тўпланаётган кезларда бирор туп ўсимлик эътиборимиздан четда қолмасин! Бегона ўтларни йўқотишимиз керак. «Шарбат» кўпроқ оқизилса, янада яхши бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам ғўзалар машиналарнинг мижозига мос қилиб ўстирилмоғи керак. Чунки бригадамиз бўйича камида 95 процент ҳосилни «зангори кема»ларда терамиз. Бир сувчига бир кеча-кундузда кўп деганда бир-бир ярим гектар ерга сув тараш нормаси белгиланса яхши бўлади.

Тешабой ҲАМРОЕВ — Ғўзаларнинг ҳосил шохлари бир-бирига киришиб кетди. Уқаридан эгатларга таралган сув дастлабки эгатлар бўйлаб тўғри оқса ҳам, картанинг ўртасига борганда кўлхоб ҳосил қилиб, ўсимликни ғовлатиб юборади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, сувчилар кеча-кундуз эгатларни оралаб юрсин, ғўзаларни нўллатиб ёки чўллатиб қўйишга йўл қўймасин. Сув исрофгарчилигига қарши қаттиқ ўт очмоғимиз керак.

Биз сувчиларимизнинг фикрини тўла инобатга олдик. Июль ойининг қолган кунлари ва август ойи учун комплекс ғўза парвариши ўтказиш юзасидан тадбирлар белгилаб, ижрочиларга етказдик. Август ойида икки марта комплекс парвариш ўтказамиз. Шундай қилиб, ҳар туп ғўзада ўртача 14-15 та бўлиқ кўсак бунёдга келтирамиз.

Механизаторларимиз фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаяпти. Тўлқин Қўчқоров, Абдурашид Мирзожонов, Ҳалимжон Султоновлар кунига 5-6 гектар майдонда сифатли культивация ўтказяпти. Пахта терими бошланиши билан улар «зангори кема»ларни бошқарадилар. Бригадамизга берилган терим машиналари ремонтдан чиқарилиб, мавсумга шайлаб қўйилди.

Биз ғўза парваришини пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари билан боғлаб олиб боряпмиз. Чеканкани бошладик, чеканка қиладиган машиналар тўла қувват билан ишлатиляпти. бачки шохлар кесиб ташланяпти, бегона ўтлар бутунлай йўқотиляпти. Яқин кунларда чеканкани тугаллаймиз. Айни кезда дефолиация ўтказиш тараддудини кўряпмиз. Ўтган йиллар тажрибасига таяниб, ҳар туп ғўзада иккинчита кўсак очилганда баргларни сунъий усулда тўктиришга киришамиз, кўсакларнинг 70 проценти очилганда машина теримини бошлаймиз. Бултур йиллик пахта тайёрлаш планини олти иш кунида бажарган эдик, бу йил беш иш кунида бажаришни бош вазифа қилиб қўйдик.

Бу йилги шароитда қишлоқ хўжалик зараркунандалари кенг тарқалди, унга қарши таъсирчан чоралар кўрдик. Лекин ҳали ҳам хавф тугатилганича йўқ. Махсус пост тузиб кўсак қурти, ўргимчаккана ва бошқа зараркунандаларга қарши курашяпмиз, пахтакорларимиз ўз постларида ҳушёр туришибдилар. Мавжуд ОДН аппаратларини тўла ишга туширдик. Бир дона шона, гул, кўсакнинг нобуд бўлишига асло йўл қўймаймиз. Бунинг муҳим чораси парваришни кучайтириш ва пахта терими бошлангунча қизғин давом эттиришдан иборатдир.

Бултур машиналарда тўрт терим ўтказган эдик, бу йил пахтамиз анча эртаги бўлди, август ойининг иккинчи ярмида кўсакларнинг қийғос очилиши кутилмоқда. Бешта терим машинасини шайлаб қўйганмиз. Юбилей йилида кўпи билан уч терим ўтказиб, бор ҳосилни териб оламиз, тўкилган пахтани саранжом-саришт»лашга механизм-агрегатларни сафарбар этамиз.

Кун қисқара бошлади, ҳарорат ҳам анча пасайди. Бундан кейин ҳам шундай бўлаверади. Бундан ўзимизга тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз, бир иш кунида ғўза парваришида бир ярим-икки кунлик график миқдорида иш бажаришга эришмоғимиз керак. Долзарб кунларда бирорта пахтакор-механизатор, бирорта техника воситаси пайкаллардан чиқмаслиги, зарбдорчасига меҳнат қилмоғи керак, яна бир ой астойдил ишласак, юксак социалистик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил тўплай оламиз, планлар ва мажбуриятларимизни бажариб юзимиз ёруғ бўлади.

1977 йил — юбилей йили, ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун катта синов йилидир. Бригадамиз аъзолари жонбозлик билан меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирадилар, гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарадилар, она-Ватанга 1.000 тонна дурдона етказиб бериш билан Улуғ Октябрнинг 60 йиллик байрамини кутиб оладилар.

Тошкент области. Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхози шоликорлари юбилей йилида гектаридан 70 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Ғаффор Юнусов бошлиқ бригада азаматлари эса 80 центнерлик маррани кўзлаб шоли парваришини қизғин давом эттиришяпти. Суратда: бригадир Ғаффор Юнусов шолизорда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ОЗУҚА МЎЛ БЎЛСИН

Ўрим-йиғим-транспорт отрядлари тузиб иш олиб бораётган ипатовлик механизаторларнинг тажрибаси озуқа экинлари ҳосилини йиғиштириб олишда ҳам кенг ёйилмоқда. Республикамизда ҳозир икки мингга яқин озуқа тайёрлаш бригадалари ва ўрим-йиғим-транспорт звенолари жамоат чорвачилиги учун етарли миқдорда озуқа жамғариш учун катта ғайрат билан меҳнат қилишяпти.

Ўтган ҳафта ичида дағал хашак жамғаришда Наманган, Самарқанд ва Фарғона областларининг чорвадорлари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу областларда мажбуриятга нисбатан 6-6,2 процент миқдорида дағал хашак тайёрланди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг колхоз ва совхозлари ҳам озуқа тайёрлашни бирмунча кучайтирдилар. Суръат кўтарилди. Бироқ бу соҳада ҳали туб ўзгаришлар содир бўлганича йўқ. Кўпгина хўжаликларда озуқа тайёрлаш суръати ҳали паст, ғаниматфурсатлар қўлдан берилмоқда. Қуйида Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг шу йил 26 июлга қадар дағал хашак тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлари берилди (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Москва	111
Вобкент	108
Шаҳрисабз	107
Бўз	93
Қалинин	92
Норин	88
Марҳамат	88
Пискент	88
Мирзачўл	86
Андижон	86
Ульянов	85
Қуйи Чирчиқ	85
Ўчқўрғон	85
Избоскан	84
Оҳангарон	84
Бекобод	84
Хўжаобод	83
Қарши	83
Оққўрғон	83
Бўка	83
Оржоникидзе	82
Поп	81
Ўрта Чирчиқ	81
Чуст	80
Тошкент	80
Свердлов	80
Балиқчи	80
Задарё	79
Наманган	79
Чиноз	79
Қува	78
Киров	78
Пахтакор	78
Ленин	78
Пахтаобод	78
Жалолқудуқ	77
Китоб	77
Юқори Чирчиқ	76
Сирдарё	76
Гулистон	76
Ромитан	75
Нишон	74
Янгиқўрғон	74
Қумқўрғон	74
Ленинград	74
Октябрь	73
Янгийўл	71
Ўйчи	71
Комсомолобод	71
Денов	70
Тўрақўрғон	70
Бўстонлиқ	68
Жарқўрғон	68
Тошлоқ	68
Ўзбекистон	67
Ленин йўли	67
Жиззах	66
Арнасой	66
Шўрчи	66
Ғағарин	65
Дўстлик	65
Боғот	64
Фарғона	63
Пахтачи	63
Жомбой	62
Ильич	62
Чироқчи	62
Бағдод	61
Боёвут	61
Конимех	60
Кўрғонтепа	60
Термиз	59
Ҳазорасп	59
Пайариқ	58
Оқолтин	58
Риштон	58
Бувайда	58
Қатағқўрғон	57
Қоракўл	57
Шофиркон	56
Косонсой	56
Яккабоғ	56
Қамаши	55
Сариосиё	54
Янгиариқ	54
Коғон	54
Косон	53
Шуманай	52
Охунбобоев	51
Ворошилов	51
Нарпай	51
Самарқанд	51
Иштихон	50
Пастдарғом	50
Бухоро	50
Ғиждувон	50
Зомин	50
Шовот	50
Оқдарё	49
Ургут	47
Шеробод	47
Фрунзе	46
Хонқа	46
Олот	46
Ғузор	46
Хатирчи	45
Олтиариқ	45
Қўшкўпир	44
Навоий	43
Қизилтепа	41
Бахмал	40
Комсомол	38
Гурлан	38
Элликқалъа	38
Бойсун	38
Усмон Юсупов	37
Ғаллаорол	36
Мўйноқ	36
Советобод	35
Қўғирот	34
Амударё	33
Хива	32
Булунғур	32
Нурота	32
Деҳқонобод	31
Томди	30
Қораўзак	29
Кегайли	28
Чимбой	28
Фориш	28
Беруний	27
Нукус	27
Урганч	25
Хўжайли	24
Ленинобод	21
Тахтакўпир	20
Ховос	19
Тўрткўл	11

Кўпгина хўжаликлар ва бир қатор районлар витаминли ўт уни ишлаб чиқариш йиллик топшириғини бажардилар. Нурота, Косон, Октябрь, Қумқўрғон, Пахтачи, Пискент, Қува, Хўжаобод, Тўрақўрғон, Оқолтин ва бошқа бир қатор районларда АВМ маркали агрегатлардан юқори унум билан фойдаланилмоқда. Аммо бир қатор колхоз ва совхозларда мавжуд агрегатлардан бир меъёрда фойдаланиш йўлга қўйилмаган, планни бажариш орқага чўзиб юборилмоқда. Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Кўрғонтепа, Бухоро, Шофиркон, Ғаллаорол, Яккабоғ, Деҳқонобод, Косонсой, Оқдарё, Булунғур, Ленин йўли, Ворошилов, Гулистон, Ленинград, Фарғона, Гурлан, Шовот ва бошқа баъзи районларда шундай аҳвол юз бермоқда.

Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари беда ўримини тез суръатлар билан ўтказиш, бу ишга бутун озуқа тайёрлаш техникасини жалб қилиш, озуқа тайёрлашдаги барча манбалардан тўликроқ фойдаланиш ҳамда юбилей йили топшириқларини тўлиқ бажариш учун амалий тадбирлар кўришлари керак.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Чехословакиянинг Всетин шаҳридаги «Збройовка» машинасозлик заводи Совет Иттифоқига маҳсулот етказиб бериш планини муваффақиятли бажармоқда. Шу корхона коллективи совет буюртмачиларига ҳозиргача 22 мингдан кўпроқ серунум пневматик мокисиз тўқув станоги жўнатди. Бу станоклар СССРнинг кўпгина тўқимачилик комбинатларида жуда яхши ишлаб турибди. Бу йил Всетин машинасозлари совет тўқимачилари учун яна бир туркум станок ясаб берадилар.

РУМИНИЯ

Йил бошланганидан бери Руминияда енгил саноатнинг бир қанча корхоналари ишга туширилди. Улар орасида Бухарест ва Хунедоарадаги чарм пойафзал фабрикалари, Бакэу ва Бузэудаги трикотаж фабрикалари бор. Бу корхоналар илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш имконини берадиган серунум асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Ўтган беш йилликнинг сўнгги йилига нисбатан бу йил республика енгил саноати газлама ишлаб чиқаришни тахминан 50 процент, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришни 20 процент, пойафзал ишлаб чиқаришни 30 процент кўпайтиради.

ЮГОСЛАВИЯ

Воеводина нефтчилари шу йилнинг олти ойи ичида 560 минг тонна нефть қазиб чиқариб, план топшириқларини 9,3 процент ошириб бажардилар. Айни вақтда ер остидан ярим миллион куб метрга яқин газ олинди. Матбуот хабарига қараганда бошқа нефть конларида ҳам план ошириб бажарилмоқда. Бу — ўзига керакли нефтнинг қарийб учдан икки қисмини чет эллардан сотиб олаётган Югославия учун катта аҳамиятга эгадир.

Бу йил ЮСФРда 4 миллион тоннадан ортиқ нефть қазиб чиқариш мўлжалланмоқда.

КУБА

Камагуэй шаҳрида Кубада биринчи пропагандистлар уйи очилди. Унинг асосий вазифаси пропагандист ва лектор кадрлар тайёрлашдан иборат. Ўқув программасида Кубанинг ички ва ташқи сиёсати, экономика, тарих, динга қарши пропаганда юзасидан машғулотлар ўтказиш белгиланган.

МОНГОЛИЯ

Халқ Монголияси меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу кунларда пойтахтга аймоқларнинг марказларидан биринчи ярим йиллик план топшириқлари ошириб бажарилганлиги тўғрисидаги рапортлар келиб турибди.

Гоби-Олтой аймоғи меҳнаткашлари ўртасида Октябрь юбилейи шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақанинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича сув хўжалиги бошқармаси ва бирлашмаларароқ корхона коллективлари ғолиб чиқдилар.

ВЬЕТНАМ

Вьетнамда ўрим-йиғим даври бошланди. Вьетнам шимолида шоли ҳосили жадал ўриб-йиғиб олинмоқда. 750 минг гектардан ортиқ майдонда ўрим ишлари тугалланди. Давлат омборларига янги ҳосилнинг дастлабки бир неча минг тонна дони жўнатилди. Жанубда эса кузги шоли экилмоқда. Деҳқонлар салкам ярим миллион гектар майдонга кўчат ўтказиб бўлишди.

Мамлакат дала меҳнатчиларининг бутун куч-ғайрати бу йил 13,7 миллион тонна шоли етиштириш юзасидан партия билан давлат ўртага кўйган вазифани бажаришга қаратилган.

(ТАСС).

БЕЛГРАД:

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Югославиядаги Босния ва Герцеговина, шунингдек Хорватия республикаларининг халқлари ўз тарихидаги шонли санаси — фашист босқинчилари ва уларнинг гумашталарига қарши қуролли кўзғолон бошланган кунинг 36 йиллигини нишонламоқдалар.

Югославияда социалистик қурилиш йилларида бу республикаларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди.

ДЕҲЛИ:

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН

Самачар агентлигининг хабар беришича, Ҳиндистонда иш ташлаш ҳаракати ғоят кучайиб кетди. Кейинги тўрт ой мобайнида Бомбай ва Калькутта докерлари, Ражастхон цемент заводларининг ишчилари ва тўқувчилари, Гужарот нефтчилари, Тамилнаду ишчилари иш ташладилар. Ишчилар ҳамма жойда биринчи навбатда мукофот тарақасида бериладиган ва аввалги ҳукумат бекор қилган қўшимча ҳаққни тўлашни талаб, этмоқдалар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур молларнинг нархи муттасил ошиб бораётганлиги сабабли иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

Ана шу забастовкаларнинг қарийб ҳаммаси хусусий корхоналарда рўй берди.

ЛИССАБОН:

ҒАЙРИ ҚОНУНИЙ ҲАРАКАТЛАР

Португалия Компартияси парламент группасининг вакили, депутат Лину Карвалью ди Лима Порту шаҳридаги полициянинг ғайри қонуний ҳаракатларига қарши кескин норозилик билдирди.

Португалия матбуоти кўпгина аҳоли пунктларида, шу жумладан катта-катта шаҳарларда полиция асосий конституцион эркинликларни чеклаб қўйишга уринаётганлигини, меҳнаткашларни аграр ислоҳотни ҳимоя қилишга чақирувчи плакатларни олиб ташлаётганлигини кўрсатувчи кўпгина мисолларни келтирмоқда.

(ТАСС).

КАПИТАЛ ДУНЕСИ:

ИШСИЗЛИК ХАВФИ

СТОКГОЛЬМ. Швециянинг юз мингларча меҳнаткашлари ҳамиша ишдан маҳрум бўлиш хавфи остида. Швециянинг меҳнат бозори масалалари билан шуғулланувчи бошқармаси маълумотларига қараганда, шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида Швеция саноати ишчилари ва хизматчиларидан 34 минг кишига тамомила ёки вақтинча ишдан бўшатилганлиги ва иш ҳақидан маҳрум этилиб, қисқартирилган иш ҳафтасига ўтказилганлиги маълум қилинди. 1976 йилда ҳам шунча ишчи ва хизматчига нисбатан шундай чора кўрилган эди.

ҚУВҒИН ВА РЕПРЕССИЯЛАР

ЛИМА. Бу ерда халқаро журналистлар ташкилотининг Латин Америкаси бўйича секретари Эфраин Руис Каро Латин Америкасидаги бир қанча мамлакатларнинг тараққийпарвар журналистлари репрессия ва қувғин қилинаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади у, икки минг журналист, шу жумладан Чили, Парагвай, Уругвай, Бразилия ва Аргентинанинг икки юз журналисти ўз ватанидан чиқиб кетиб, чет элларда ишлашга мажбур бўлди. Масалан, Парагвайдан сургун қилинган журналистлар сони мамлакат ичкарисида қолган журналистлар сонидан ортиқдир. Кўп мамлакатларда тараққийпарвар журналистлар яширин шароитда ишлаб турибди.

(ТАСС).



Яқинда Болгария турк истибдодидан озод бўлганлигининг 100 йиллиги нишонланади. Софияда халқсиз рус халқига чуқур эҳтиром белгиси сифатида «Александр Невский» кошона-ёдгорлиги қад кўтариб турибди. Бу ажойиб иншоот рус меъмори, профессор А. Померанцева лойиҳаси асосида қарийб чорак аср мобайнида қурилган. Суратда: «Александр Невский» кошона-ёдгорлиги.

В. Юскеселиев фотоси. (София-пресс агентлиги).

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ЙЎЛИДАН

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Э. Хонеккер Лейпцигда ГДР 6-спорт-гимнастика байрами ҳамда болалар ва ёшлар спартакиадасини очиш вақтида сўзлаган нутқида бундай деди: кишиларнинг истеъдод ва қобилиятлари социализм шароитидагина тўла рўёбга чиқиши мумкин.

Биз, деди Э. Хонеккер, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейин 60 йил ўтган бир пайтда бу революция инсоният ҳаётида янги даврни очиб берди, деб мамнуният билан қайд эта оламиз.

Тарихни орқага буриб юборишни ва инсониятни янги жаҳон уруши ёқасига олиб келишни истайдиган кишиларга қарама-қарши ўлароқ, биз Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатлар билан, жаҳонда соғлом фикр юритувчи барча кучлар билан биргаликда халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик йўлини изчил амалга оширмоқдамиз.

Биз, деди Э. Хонеккер, Қримдаги учрашув вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев билан биргаликда мамлакатларимизнинг кескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштириш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш, шунингдек ер куррасининг турли районларида уруш хавфи манбаларини тугатишда интилишларни муштарак эканлигини таъкидладик.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги XXXII сессиясини 1977 йил 20 сентябрда очиш мўлжалланган. Бу сессиянинг Нью-Йоркда эълон қилинган дастлабки кун тартиби халқларнинг кескинликни юмшатиш жараёнини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга астойдил интилаётганлигини акс эттиради. Ҳозирги халқаро аҳволга доир 124 масала сессиянинг кун тартибига киритилган. Булар орасида қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш, мустамлакачилик системасининг сўнгги қолдиқларини тугатиш масалалари асосий ўринни олади.

Совет Иттифоқининг тинчлик борасидаги ташаббусларига ва аввало халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик хусусида жаҳон шартномасини тузиш тўғрисидаги таклифига алоҳида эътибор берилади. Бутун жаҳонда бу таклифга ғоят ижобий баҳо берилмоқда ва у қўллаб-қувватланмоқда. Турли мамлакатлар ҳукуматларининг БМТ Бош секретари К. Варьдхайм номига юборилган мактублари буни яққол исбот этади. Ана шу давлатларнинг ҳукуматлари ўз мактубларида бундай шартноманинг тузилиши барча халқларнинг туб манфаатларига жавоб берган ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликни янада мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди, деб қатъий ишонч билдирмоқдалар.

Қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш юзасидан конкрет чораларни кўриш билан боғлиқ масалалар сессия делегатларининг муҳокамасига қўйилади. Бунда орасида ялпи қирғин қуролининг янги турларини ва бундай қуролнинг янги системаларини, химиявий ва бактериологик (биологик) қуролни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш, ядро қуроли синовларини тўла ва батамом тақиқлашга қаратилган совет таклифлари бор.

Маълумки, Совет Иттифоқи қуролсизланиш юзасидан жаҳон конференциясини чақиришни таклиф этган эди. Бу масала сессиянинг кун тартибига киритилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг XXXII сессиясида Яқин Шарқ танглигини бартараф қилиш ва Кипр проблемасини ҳал этиш йўлларини қидириб топиш билан боғланган масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Африканинг жанубида аҳволнинг ғоят хатарли тус олганлиги халқаро ҳамжамиятни жиддий ташвишлантирмоқда. Империализм ва янги мустамлакачилик кучлари Африканинг жанубида миллий озодлик ҳаракатини бостиришга уринмоқдалар. Жанубий Африка тўғрисидаги масалаларнинг кун тартибига киритилганлиги халқаро ҳамжамиятнинг Африка жанубидаги аҳволдан ғоят ташвишланаётганлигини ифода этади.

И. МАКУРИН, ТАСС мухбири.

ДАМАШҚДА ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

Сурия пойтахтида 24-халқаро ярмарка очилди. Бу ярмаркада 53 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар, шунингдек бир қанча халқаро ва регионал ташкилотлар қатнашмоқда.

Сурия Араб Республикаси экономика ва ташқи савдо министри М. Ал-Имоди ярмаркани очиш вақтида сўзлаган нутқида мамлакатнинг хўжалик ишлари соҳасида кейинги йилларда эришган муваффақиятлари тўғрисида гапирди. У Сурия Араб Республикасининг социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқалари муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтди ва бу мамлакатлар билан ўзаро товар обороти ҳажми 6 йил ичида 268 процент кўпайганлигини таъкидлаб ўтди. Сурия раҳбарлиги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан, шунингдек миллий озодлик ҳаракатлари ва блокларга қўшилмаган давлатлар билан муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятидадир, деди М. Ал-Имоди. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ЛОНДОН. Буюк Британия атом энергияси бошқармаси маълум қилдики, кейинги олти йил ичида мамлакат атом электр станцияларидан юз килограммдан ошиқ плутоний «ғойиб бўлган». Бунча плутоний 15 та атом бомбаси ясашга етади. Атом электр станцияларида «инвентарлаш» ўтказишларда атом қуроли ясашга нетадиган хом ашё йўқолганлиги пайқаб қолинди. Атом энергияси бошқармасининг хабарига кўра 1971 — 1972 йилларнинг ўзидагина «Уиндскейл» станциясидан 56 килограмм плутоний йўқолган.

● БУЭНОС-АЙРЕС. Утган ой БМТнинг Латин Америкаси учун тузган иқтисодий комиссиясининг Сантьягодаги штаб квартирасида очлик ўтказган чилилик сиёсий маҳбусларнинг қариндошлари ўз қавм-қариндошлари ва яқин кишиларининг қисмати нима бўлганлигини билдиришни яна маъмурлардан талаб қилдилар. Улар Чили маъмурларига ёзган хатларида гўё «бедарак йўқолган» сиёсий маҳбус қариндошлари ва қисмати ҳақида ҳеч нарса номаълум 2500 чилилик ватанпарварлар қаерда турганликларини маълум қилишларини талаб этмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОНГА

ЗАГРЕБ ВА КОБУЛГА

Ўзбекистоннинг турли корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот намуналари ортилган контейнерлар Тошкентдан Загребга жўнатилди. Бу маҳсулотлар бир адресга —Югославиянинг ана шу шаҳрида сентябрь ойида очиладиган халқаро ярмаркага юборилди.

Ана шу анъанавий ярмаркадаги Совет павильонида Ўзбекистон учун катта бўлим ажратилади. Умумий майдони минг квадрат метрдан ҳам ошиб кетадиган экспозиция Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда рўй берган ажойиб ўзгаришлар тўғрисида, ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида республика экономикаси ва маданиятининг равнақ топганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Ярмаркага келган кишилар Тошкентдаги ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги корхоналар маркаси қўйилган машиналарни кўрадилар. Булар орасида трактор, чигит экадиган сеялка, тўқилган пахтани йиғиштириб оладиган машина, пуркагич-чанглагич машина, йигириш-пишитиш ва пилталаш машиналари бор. «Ташкентканбель» заводи, Тошкент ва Самарқанд чинни заводларида тайёрланган буюмлар, Тошкент, Марғилон ва Наманган тўқимачилари тўқиб чиқарган газламалар экспозицияга киритилган. Кандакорлар, наққошлар, зардўзларнинг стендларга қўйилган буюмлари республикада манзарали амалий санъатга катта эътибор берилаётганлиги тўғрисида, халқ усталарининг шонли анъаналарини сақлаб қолишгагина эмас, шу билан бирга уларни кўпайтиришга ҳам зўр бериб интилаётганлик ҳақида ҳикоя қилиб беради. Саноатининг бошқа тармоқларидаги корхоналарнинг иши, деҳқонларнинг эришган ютуқлари экспозицияда кенг намойиш қилинади. Республика олимлари етиштирган пахтанинг энг яхши навлари экспозицияни безаб туради.

Ярмарка томошабинлари совет павильонида бўлар эканлар, Ўзбекистон меҳнаткашларининг бой маънавий дунёси тўғрисида яхши тасаввур ҳосил қилиш имконига эга бўладилар. Жуда кўп фотосуратлар, китоблар ва альбомлар уларнинг кўз олдида бамисоли студентларнинг аудиторияларини ва илмий лабораторияларни очиб беради, театр залларига назар ташлаш имконини туғдиради, ёзувчилар, рассомларнинг ижоди билан таништиради. Магнитофон лентасига ёзилган ўзбек куйлари янграйди, кинозалда эса Тошкент кинематографиячилари яратган фильмлар кўрсатилади. Ярмаркага келган кишилар ўзбек чойхонасида ҳам бўладилар.

Югославиянинг Загреб шаҳри —бу йил Ўзбекистон ҳақида, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин унинг эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилинадиган бирдан-бир ажнабий шаҳар эмас. Октябрь ойида Афғонистон пойтахти Кобулда республика қўлга киритган муваффақиятлар намойиш қилинади. Бу ерда Совет Иттифоқи ташқи савдо ташкилотлари билан ёнма-ён уюштириладиган коммерсия виставкасида Ўзбекистон ССР савдосаноат палатаси тайёрлаган ахборот стенди очилади. Ўзлаб фотосуратлар ва бошқа экспонатлар Кобул аҳолисини уларнинг шимолдаги қўшниси иқтисодиёти ва маданияти билан таништиради. Ўзбекистон олимларининг Афғонистон тарихига оид ёзган асарлари ва Тошкентдаги илмий китоблар хазинасининг олтин фондига киритилган таниқли афғон мутафаккирларининг қўлёзмалари кўрсатилади.

Бутуниттифоқ «Тракторэкспорт» бирлашмаси ҳам ўз экспозициясида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилади. Бу бирлашма чигит экиш, ғўзаларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштериб олишда ишлатиладиган машина ва механизмларнинг бутун бир комплексини кўргазмага қўяди. (ЎзТАГ).

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ҲОСИЛ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Пахтакор хўжаликларда ғўза зараркунандаларига қарши кураш мақсадида фойдаланиладиган майда ҳашаротлар — габробраконларни далаларга қўйиб юбориш бошланди. Экинларни биологик ишлаш муддатлари, унинг тартиби ва нормаси ўсимликларнинг ҳимоячилари бўлган ҳашаротларни қўлланиш юзасидан атрофлича илмий асосланган тавсияларни тайёрлаб берувчи олимларнинг методик йўл-йўриқлари билан аниқланган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Зоология ва паразитология институти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан экинларни биологик воситалар билан самарали ҳимоя қилиш йўлларини қидириб топишдан иборат дир. Ҳозир ҳашаротларнинг ҳар хил турларидан хўжалик мақсадида фойдаланиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Ўзбекистон зоологларининг иши теварак-атрофга зарарли таъсир қиладиган химиявий дорилаш ҳажмини қисқартирган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишини таъминлашга қаратилгандир. Бу ишга республикадан ташқаридаги мутахассислар ҳам астойдил қизиқиб қарамоқдалар. Бу қидиришлар ана шундай тадқиқотларнинг умумиттифоқ комплекс программасига киритилган бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш юзасидан ЮНЕСКО мувофиқлаштириб турадиган тадбирлар планига ҳам киради.

Файзулла ЮНУСОВ

1938 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Файзулла Юнусов узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 68 ёшида вафот этди.

Файзулла Юнусовнинг меҳнат фаолияти 1921 йилдан бошланди. У кўп йиллар мобайнида республиканинг партия ва совет органларида ишлади.

1941—1942 йилларда Совет Армияси сафларида хизмат қилди. 1942 йилдан 1945 йилгача Ўзбекистон ҚСР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон Телеграф агентлиги масъул раҳбарининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Ф. Юнусов 1948—1952 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг сектор мудири, Наманган область партия комитетининг секретари бўлиб ишлади. 20 йил давомида (1952 йилдан 1972 йилгача) «Ўзбекистон» нашриётига бошчилик қилиб келди. У ана шу давомида ишлаш билан республикада китоб нашриёти ишини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди. Ф. Юнусов умрининг сўнгги йилларида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ишлаб, ўзининг жуда катта тажрибаси, куч ва билимини меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига сарфлади.

Ф. Юнусов бир неча марта меҳнаткашлар депутатлари Наманган ва Тошкент область ҳамда Тошкент шаҳар Советларининг депутати, Ўзбекистон Компартияси Киров ва Октябрь район комитетларининг аъзоси қилиб сайланди.

Партия ва ҳукумат Файзулла Юнусовнинг Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини, фан ва маданиятини ривожлантириш соҳасидаги хизматларига юксак баҳо бердилар. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Файзулла Юнусовни билган кишиларнинг ҳаммаси унинг истеъдодли раҳбар ва ташкилотчи, принципиал коммунист, меҳрибон ўртоқ, катта ва дилкаш қалб эгаси бўлган инсон сифатидаги хотирасини ҳамиша дилда сақлаб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

ШАХМАТ

УЛУҒ САНА МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

Жаҳон спорт уюшмалари орасида халқаро шахмат федерацияси энг салмоқдорларидан биридир. Ҳозирги кунда унга юздан ортиқ мамлакат миллий шахмат федерациялари, миллионлаб шахмат ҳаваскорлари бирлашиб турибди.

Эндиликда дунё миқёсида ўтказилаётган шахмат мусобақаларининг саноғига етиш қийин. Аммо, улар орасида шундайлари ҳам борки, бамисоли катта тош йўлдаги масофа кўрсаткич устунчалар янглиғ мана мен деб туради.

Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишлаб Ленинградда ўтказилган улкан халқаро турнирни бемалол ўшалар қаторига қўйса арзийди. 18 иштирокчининг ҳаммаси гроссмейстер деган энг юксак унвон соҳиби бўлиб, уларнинг аксарияти социалистик мамлакатлар вакиллари эди.

Юбилей турнирида жаҳон чемпиони, жаҳон экс-чемпионлари, кўпгина мамлакатларнинг энг илғор шахматчилари қатнашганлиги коэффициентлар жадвалига кўра уни энг юқори даражадаги мусобақа эканлигини расман тасдиқлайди. Ҳатто, зоналараро мусобақалар ҳам у билан тенглаша олмайди. Ҳа, Ленинградда ниҳоясига етган халқаро турнирни мутахассислар бир овоздан: шу йил шахмат оламида юз берган энг йирик, энг салмоқдор, энг қизиқ воқеа деб атамоқдалар. Профессор Эло таклиф қилган коэффициентлар системасига кўра унинг олдига тушадиган мусобақа йўқ ҳисоби. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига атаб ўтказилган бу мусобақага таклиф этилган совет ҳамда чет эллик шахматчилар чин дилдан миннатдорчилик билдирмоқдалар. Боиси аён: бундай кучли мусобақада иштирок этиш ажойиб маҳорат мактабини ўташ билан бир қаторда жуда фахрлидир.

Львовлик 25 ёшли гроссмейстер Олег Романишиннинг пешқадамлар сафида бориши кўпчилик каромат қилса-да, биринчи совринга асосий талабгор дея олмаганди. Кейинги икки йил мобайнида ўтказилган қатор шахмат анжуманларининг ғолиби, жаҳон чемпиони Анатолий Карповнинг муваффақиятлари бошқаларникига соя ташлаб турардида. Лекин айни вақтда Романишиннинг масъул беллашувларга шайлик даражаси бошқа гроссмейстерларникидан анча юқори эканлиги исботланди. Қурашда муросасозликка тоби йўқлиги жиҳатидан уни Роберт Фишерга қиёс қилишлари бежиз эмас., Ноқулай вазиятга тушиб қолган пайтларида ҳам у асло пинагини бузмайди, аксинча йўқдек кўринган имкониятларни топади. Бу рақиби руҳиятига, кайфиятига таъсир қилмай қолармиди.

Романишин турнир давомида атиги бир марта, у ҳам бўлса, охирги куни тутқич берди, холос. Жаҳон чемпиони билан ўйнар экан, ортикча қалтислик қимматга тушишини назарда тутиб дурангга имзо чекди. Ундан ярим очко ортда борётган жаҳон экс-чемпиони Михаил Таль ворошиловградлик Кузьминни енггач, маррага Олег билан бир вақтда, яъни 11,5 таден очко олган ҳолда етиб келди. Таль ижоди ҳақида кўп гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Муҳими шуки, у миллионлаб мухлисларини яна бир бор хушнуд этди.

25 кунлик кураш давомида 18 қатнашчидан фақат биттасигина сира мағлуб бўлмади. Бу, жаҳон экс-чемпиони, 56 ёшли Василий Смисловдир. Шу ёшда навқирон, забардаст гроссмейстерларнинг ҳеч қайси биридан енгилмаслик, шу билан бирга 10,5 очко билан учинчи совриндор бўлиш осон эмас, албатта. Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов дастлабки беш турдаёқ икки бор қоқилди. Баъзан йил бўйи ҳам ютқазмайдиган шахматчи учун бу ноўриндек туюлади. Мусобақанинг иккинчи ярмида у қанчалик яхши ўйнамасин, асосий рақибларига етиб ололмади. 10 очко билан ереванлик Рафаэль Ваганян қатори 4-5 ўринларни эгаллади. Чет эллик шахматчилар орасида энг кучлиси деб тан олинган венгриялик Золтан Рибли юксак баҳога яраша, олтинчи ўринни бўлишиб олди.

Улуғ санага бағишланган баҳсда муносиб ижод намуналарини кўрсатган гроссмейстерларга жамоат ташкилотлари, газета ва журналларнинг редакциялари, спорт комитетлари таъсис этган совғи ва эсдалик совғалари топширилди. Мусобақа шахмат тарихидан ўзига яраша ўрин олиши турган гап.

БАҲС ЯРИМЛАБ ҚОЛДИ

Жаҳон чемпионлигига талабгорлар ўртасидаги ярим финал матчларининг бири Франциянинг Эвиан шаҳрида, иккинчиси эса Швейцариянинг Женева шаҳрида ўйналмоқда. Москвалик Лев Полугаевский матчни ниҳоятда нохуш бошлади: бир эмас, устма-уст уч ўйинни бой бериб қўйди. Матчда рўй бераётган ҳисоб асло рақиблар кучининг бир-бирига нисбатини белгиламайди. Бу ерда бошқа гап бор. Ҳар бир шахматчи барча рақиблари билан ҳам бир текисда ўйнай бермайди. Ҳа, баъзиларига қарши дона суриётганда ғижиниш аломатлари сезилиб, унинг асабий мувозанатига путур етказади. Тўртинчи ва бешинчи ўйин дуранг бўлди, 6 ва 7-да яна мағлубият, ҳисоб эса В. Корчной фойдасига 6:1 бўлиб қолди. 8-ўйин шахматчимиз фойдасига ҳал бўлди — 6:2.

Женевадаги баҳснинг дастлабки учрашувида қора доналарни сурган венгриялик Лайош Портиш янги ҳиндча ҳимоя усулини бошқача талқин қилиб, тезда имкониятларни тенгштиришга ва 22-юришда дурангга эришди. Иккинчи ўйин ҳам шундай натижа билан тугади. Аммо, оқ доналарда ўйнаган Борис Спасскийнинг учинчи партияда мағлуб бўлиши кутилмаган воқеа бўлди. Тўртинчисида у қалтислик йўлидан бормай, яъни битимга имзо чекди-да, бешинчисини ғалаба, кейингисини дуранг билан якунлади. Ҳозирча узилкесил бир хулоса чиқаришга вақт жуда эрта. Тож талабгорлари қизғин баҳс билан банд. Ҳозирча ҳисоб 4.5:4,5.

М. МУҲИТДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. «Ўзбенбирлашув»нинг Қува район матлубот жамияти коллективи қишлоқ меҳнаткашларига маданий савдо хизмати кўрсатишни ўзининг жонажон иши деб билади. Суратда: «Гўзал» магазини совғалар бўлимининг сотувчиси Муҳаббат Умарова. Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

Афросиёб «шахмат» хазинаси

САМАРҚАНД. Фил суягидан ясалган қўшинлар жангга киришга тайёр. Қиррадор қалқон тутган пиёдалар шамширларини ўқталиб турибдилар. Отлар бўлса суворийларни жанг оташига олиб киргудек бўлиб турибди. Сафда жанг фили ва бошқа доналар бор. Жанговар сафда фақат олиб бўлмас қалъалар — руҳларгина йўқ.

Шу мавсум кўҳна Самарқанд — Афросиёб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг ходимларига мана шу шахмат «хазинаси»ни ҳадя этди. Топилган бу нарсалар «мангу барҳаёт ва ақл-идрок ўйини» тарихида яна бир қизиқ саҳифани очишга имкон беради.

Ҳиндистонни шахмат ватани дейишади. Лекин ҳиндларнинг қадимги чату ранги ҳар бири 8 донадан иборат, тўрт саф қўшинни ташкил этади, афросиёбдан чиққан қўшин доналарини ҳозирги шахмат тахтасига ҳам тикаверса бўлади. Доналар ғолтда нафис қилиб ишланган.

Шу атрофдан топилган тангалар эса аждодларимиз қачон ана шу доналарни сурганликлари ҳақида «гапириб берди». Доналарнинг йўниб ишланиши эрамиз VII асрининг биринчи ярмига хос. Афросиёбдан топилган шахмат хазинаси ёзма манбаларга муҳим қўшимча материалдир. Чунончи эрамизнинг VI асрида Эрон шоҳи Хусрав I саройида ўйналган ва машҳур Фирдавсий тараннум этган шахмат тахтасидаги жанг баёнига далилдир.

Топилган бу доналар ўрта Осиёда мўғуллар ҳужумидан анча илгари ҳам шу ўйин машҳур бўлганлигини тасдиқлашга имкон беради.

Афросиёбдан шахмат доналари эндигина топилаётгани йўқ. Илгари бу ердан фил суягидан ишланган суворий донаси топилганди. Ҳозир шу дона ермитажда сақланмоқда. (ТАСС).

Қадимги достондан бир сатр

Жамбул тарих ўлкашунослик музейининг ходимлари Талас дарёси бошланадиган жойда қадимги турк ёзуви ёдгорлигини топдилар. СССР Фанлар академияси шарқшунослик институти Ленинград бўлимининг ходимлари текстининг маъносини ўқиганларидан сўнг тошга ўйилган сўзлар қадимги халқнинг «минг жийрон кетидан етиб бориб» деган достонидан намуна бир сатр эканлиги аниқланди.

Бу ердан бундай ёзувлар энди топилаётгани йўқ. Талас водийсида қадимги турки ёзуви бўлган тошлар XIX асрнинг охирларида топилган эди. Совет олимлари ёзуви бўлган ўн битта шундай тошни тадқиқ этганлар. Фанда бу тошлар Талас—Енисей эпиографикаси дейилади. Эрамизнинг VIII—IX асрларига мансуб бу тошлар шарқшуносларга қадим замонларда бу ерда яшаган халқнинг ўтмишига чуқурроқ назар ташлашларига ёрдам беради. (ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САМОЛЕТСОЗЛИК, МЕТАЛЛАРНИ ҚИРҚИБ ИШЛАШ, ИНСТРУМЕНТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИ СОЗЛАШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ, МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ ПЛАНЛАШТИРИШ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИНГ МОНТАЖИ ВА ЕМОНТИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар: рус ёки ўзбек тилидан (диктант) ва математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Ўрта маълумотлилар: рус ёки ўзбек тилидан (иншо) ва математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

ТЕХНИКУМДА ЎҚИШ МУДДАТИ ТАНЛАНГАН МУТАХАССИСЛИКЛАРГА ҚАРАБ 2 ЯРИМ ЙИЛДАН 4 ЯРИМ ЙИЛГАЧА.

Қабул тартиби ҳамма техникумлар учун умумийдир.

АРИЗАЛАР ТЕХНИКУМНИНГ КЕЧКИ БЎЛИМИГА 15 НОЯБРГАЧА, КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 6 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри — 6, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ 12-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1977 — 1978 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти республика пахта тозалаш заводларига қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлайди: товароведлар (ўқиш муддати — 2 йил), лаборантлар (1 йил), жиндовчи-линтерловчилар (1 йил), газ пайвандчилар (1,5 йил), телевизор ва радио тузатиш механиклари (2 йил), уй-рўзғор асбоблари (холодильник, пилесос ва ҳоказоларни) тузатиш бўйича механиклар (1 йил), машина ва ускуналарни созловчилар (1 йил), электромонтёрлар (1 йил), эркак ва хотин-қизларнинг устки кийимларини бичувчи ва тикувчилар (2 йил).

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли 17—25 ёшли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганларга 30 сўм стипендия берилади ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат (асли), мактаб ёки иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, соғлиги ҳақида медицина справкаси (286-форма), 4 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: Қарши шаҳри, Хонобод посёлкаси (подстанция олдида). Телефон 63-20.

Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги 85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ тўқимачилар ва йигирувчилар тайёрлайдиган группаларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати—1 йил.

Мутахассислик билан бирга ўрта маълумот берадиган группаларда ўқиш муддати 3 йил.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТ БИЛАН КИРГАНЛАР КОМБИНАТ ҚОШИДАГИ ИШЧИ-ЕШЛАР МАКТАБИНИНГ 9-СИНФИГА КИРИБ ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соғлиги тўғрисидаги справка (справка формасини билим юрти беради), турар жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика.

Билим юртининг адреси: 700092, Тошкент шаҳри-92, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

129-«ИНТУРИСТ» ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассислар бўйича юқори малакали касб эгаларини тайёрлайди: ОШПАЗЛАР (чет эл таомларини тайёрлай оладилар), ОФИЦИАНТЛАР (чет тиллари ўқитилади), ҚАНДОЛАТЧИЛАР, САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИЛАРИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИЛАРИ, ГЎШТ-БАЛИҚ ВА САБЗАВОТ МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИЛАРИ, БАҚҚОЛЛИК — ҚАНДОЛАТЧИЛИК ВА ГАСТРОНОМИЯ МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИЛАРИ, БУФЕТЧИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1-3 ЙИЛ.

Ўрта маълумотли ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия ва ишлаб чиқаришдан ажратилган пулнинг 33 процанти билан таъминланадилар, ҳамда ўрта мактабни тамомлаганлиги тўғрисида аттестат оладилар.

ЎҚУВ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА ВА ҚОЗОҒИСТОН ССРГА ҚАРАШЛИ ЧЕТ ЭЛ САЁҲАТЧИЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ РЕСТОРОНДА, ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ КОРХОНАЛАРДА ИШЛАЙДИЛАР.

Машғулотлар янги бинода ва ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган хоналарда олиб борилади.

Билим юртида турли ҳил бадиий ва жисмоний тарбия тўгаракларга ташкил қилинган.

«ИНТУРИСТ» йўлланмаси билан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш—1 сентябрда бошланади.

Билим юртда адреси: Тошкент шаҳар, «Юнусобод» массиви, Д—2, Аҳмад Дониш кўчаси, 2-уй, (51-автобус ва 16, 7 маршрут таксиларнинг «Билим юрти» бекати).

БАЛЛОНЛИ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

АТРОФ-МУҲИТ ҲАРОРАТИНИНГ КЕСКИН КУТАРИЛИШИ БИЛАН ГАЗ ТЎЛДИРИЛГАН БАЛЛОНЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИДАН ЕРИЛИШИ ҲОЛЛАРИ УЧРАМОҚДА.

Шу нарса эсингизда бўлсин, атроф-муҳит ҳароратининг кўтарилиши билан газ тўлдирилган баллонларда босим кескин ортади. Бу баллоннинг пайванд қилинган чокининг ерилишига ва газ билан ҳаво аралашмасининг портлашига сабаб бўлиши мумкин.

ГАЗЛИ БАЛЛОНЛАРНИ МАХСУС ШКАФЛАРДА, ҚУЁШ НУРИДАН ҲИМОЯЛАНГАН ЖОЙЛАРДА САҚЛАНГ.

ГРАЖДАНЛАР, ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН!

Газ тўлдирилган баллонларни қуёшдан ҳимояланмаган жойларда қолдириш қатъиян ман этилади.

Бу қоидаларга риоя этмаслик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

ГАЗ БАЛЛОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ГЛАВГАЗ».

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Она (катта ва кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қўзиқоринхўр одам — «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Стажёр — «ЎЗБЕКИСТОН» «жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Зангори осмон остида — «ДРУЖБА» (21.00).

Кузгу — «ЧАПКА» (кундуз ва кечқурун).

Хаани — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сўнган гулханлар тафти — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Қўзиқоринхўр одам — «ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.30).

Парм ибодатхонаси — «ХИВА» (21,00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 5 АВГУСТДА

МАВСУМ ОЧИЛАДИ

МОСКВА «СУВДА ЦИРК» АТТРАКЦИОНИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Икки бўлимдан иборат мушакбозлик томошалари.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ ДИРЕКЦИЯСИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» ВА ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН

хонандалар, созандалар, раққосалар ва хор артистларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар 1977 йил 1 августдан 10 августгача кадрлар бўлимида қабул қилинади.

КОНКУРС — 11-12 АВГУСТ СОАТ 10.00 ДАН УТКАЗИЛАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ленин райони, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 33-37-69, 33-37-90.

Қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланади.

ЕШ СПОРТЧИЛАР!

ВУТУНИТТИФОҚ «МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» КЎНГИЛЛИ СПОРТ ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ 63-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Билим юртига 1962 йилда туғилган, 8 йиллик умумий таълим мактабини битирган, спортга мосланган ихтисослаштирилган группаларда ўқишни давом эттирмоқчи бўлганлар, байдарка ва каноэда сузиш, футбол, бокс спорти билан шуғулланишни истовчилар қабул қилинади.

Ўқувчилар кунига уч марта озқат, спорт формаси ва инвентарлари билан, ҳамда энг яхши спорт базаларида тренировка қилиш шароити билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар Тошкент Индустриал техникумига ва бошқа олий ўқув юртларига кириш имтиёзидан фойдаланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Чилонзор» массиви, 26-квартал, Шайхзода кўчаси, 1-уй.

«Ўзэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трестининг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон ССР пойтахтидаги метрополитен ва қурилишлар учун электр қурилмаларининг монтажи бўйича электромонтажчилар тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲАР ОЙДА 76 СУМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри-115, «Халқлар дўстлиги» проспекти, 57-уй. Телефонлар: 76-75-79, 76-13-58.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — «Жала» (бадиий фильм). 11.45 — Концерт. 12.10— Ҳужжатли фильм. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Том Сойернинг саргузаштлари» 16.30 — Череповецк — 200 ёшда. 17.00 — Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 18.00 — «Темир йўл транспорти-77». 18.30 — Горнчилар қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Қувноқ нотолар. 19.25 — «Жасорат». 20.00 — Санъат усталарининг концерти. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 — Бизнинг биография — 1959 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Футбол: ГДР—СССР (ўртоқлик учрашуви). 24.00 — Эстрада концерти. 00.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильм. 11.40 — Ижод саҳифалари. Ш. Руломов. 12.30 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Ёшлик». 19.15 — Халқ контроли экрани. 19.45 Ахборот. 20.00 — «12-учрашув». Эстрада программаси. 21.00 — Ахборот. 21.20 — В. Шекспир. «Ричард-III» (диплом спектакль). 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Спектаклнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.20 — «Самарадаги ташвишли тунлар» (бадиий фильм, 3-серия). 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — «Шаҳзода ва Золушка» (фильм-балет). 21.15 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.45 — Ҳужжатли фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада артистларининг концерти. 9.30 — Р. Мамадалиев ижросида қўшиқлар. 11.15 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 11.30 — Духовой оркестр ижросида концерт. 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — Чорвадорлар юбилей вахтасида. 13.30 — Иттифоқдош республикалар эстрадаси. 14.00 — Мўл ҳосил усталари ҳақида ҳикоялар. 16.10 — Тошкентнинг театрлари ва концерт залларидаги бўйлаб. 19.00 — «Кўз ўнгида» (суҳбат). 19.20 — «Юность Узбекистана». 20.00 — Москва. Халқаро аҳвол: саволлар ва жавоблар. 20.45 — Сўнгги ахборот. 21.15 — Жонажон ўлкамни куйлаймиз. 22.00 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат 22.40 — М. Исмоилий. «Фарғона тонг отгунча» (радиопостановка).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитети ва Ўзбекистон журналистлар союзи правлениеси, Ўзбекистон нашриётинин